ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинлари навларини жойлаштириш ва етиштириш агротехникаси бўйича тавсиявий қўлланма

Тошкент – 2021

Лойиҳа муаллифи:

А.А.Хаитов – Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси.

Тузувчи: А.Т.Тешабоев – “Фермер ва томорқачи” газетаси бош муҳаррири.

А.М. Алимов – Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори

Масъул: Н.Т.Мирабдуллаев – кенгаш бўлим бошлиғи

Фойдаланилган ва тавсия қилинадиган адабиётлар руйхати

1. Сабзавот ва полиз экинларининг тавсия этиладиган навлари ва етиштириш технологияси бўйича тавсиянома. Р. Хакимов. Ўз СПЭ ва КИТИ. - Тошкент, 2006.

2. Ўсимликшунослик. ТДАУ буюртмаси асосида чоп этилган. - Тошкент: «Мехнат» нашриёти. 2000 йил.

3. Томорқа сабзавотчилиги. Бўриев Х.Ч. ва бошқалар.Т.: ТДАУ,Мехнат: 1987.

4. Сабзавот экинларини тўқсонбости муддатда етиштириш бўйича тавсиялар.

Муаллифлар:

Хакимов Р.А. - Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.н., катта илмий ходим.

Адилов М.М. – Тошкент давлат аграр университети илмий ишлар бўйича проректор, қ.х.ф.д., профессор

Низомов Р.А. – Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти илмий ишлар бўйича директор муовини, қ.х.ф.д.

Юнусов С.А. – Тошкент давлати аграр университети Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси доценти, қ.х.ф.н.

Журналлар:

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги (сельское хозяйство Узбекистана).

2. “Фермер”

Газета:

“Фермер ва томорқачи”.

Сайтлар:

https://www.agro.uz

https://uzfk.uz

https://agronet.uz

https://agriculture.uz

Ўзбекистоннинг иқлим шароитида экинлар–эртаки (эрта баҳордан), ўртаки ва такрорий (ёз ойларида), август ойида (пиёз, саримсоқпиёз), кузда (сабзавот ва кўкатлар) ҳамда далаларни қор босиши олдидан «тўқсонбости» усулида экилади.

Тўқсонбости усулининг қатор афзаллик томонлари бор. Ерлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш, мавсумда икки ва уч марта ҳосил олишга эришиш ҳамда эрта муддатларда сабзавот маҳсулотларини етиштириш мақсадида ҳар бир фермер, деҳқон ва томорқачилар экин майдонларининг асосий қисмини «тўқсонбости» усулида экишни режалаштириши керак.

Фақат «тўқсонбости» усули деҳқонлардан чуқур билим ва тажрибаларни талаб этади. Фермерларимиз бу борада кўп тажрибаларга эга. Лекин деҳқон ва томорқачиларнинг бу усул бўйича илм ва тажрибаларга муҳтожлиги сезилиб қолмоқда. Шу сабаблардан келиб чиқиб, деҳқонлар учун оддий деҳқонча қўлланмани тайёрлашга ҳаракат қилинди.

Қўлланмада берилган тавсиялар тўпланган маълумотларга асосланган бўлиб, умумий тусга эга. Экинларнинг нав хусусиятлари, об-ҳаво шароити ва деҳқонларнинг агротехник ёндашувларига қараб 10-15 ва ундан юқори фоизда оғишлар кузатилиши мумкин.

Шунинг учун қўлланмадан фойдаланувчилар тавсияларнинг маҳаллий шарт-шароитларга мос келишини мустақил аниқлаб фойдаланиши, мутахассислар билан маслаҳатлашишлари тавсия этилади. Муаллиф олинган натижалардаги оғишлар учун жавобгар бўлмайди.

Кириш

Деҳқончиликда “тўқсонбости” усули деҳқонларимиз томонидан қадимдан қўллаб келинади. Бу усулда экилган уруғлар 90 кунлик қишни қор остида босиб ўтади. Шу сабабдан ҳам бу усулни деҳқонларимиз "қорбости" ёки "тўқсонбости" деб аташади.

Тўқсонбости усулида экиш совуққа чидамли сабзавотлардан эрта кўкламда арзон ва мўл сабзавотларни етиштириш имконини яратиш баробарида, кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари танқис "илик узилди" пайтида витаминли маҳсулотлар билан ички бозор эҳтиёжини қоплайди, экспорт имкониятларини кенгайтириб деҳқонларни бойитади.

Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 15 октябрдаги "Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юртимизда эрта баҳорда кундалик зарурий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қарор билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2021-2022 йиллар ҳосили учун август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ҳажми тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Сабзавот маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ҳисоб-китобларига кўра, 2021 йилда 4.015.285 тонна, 2022 йилда 4.260.779 тонна ҳосил олиш кутилмоқда.

Жумладан, 2021 йилда 1.775.513 тонна пиёз, 366.046 тонна саримсоқпиёз, 528.342 тонна сабзи, 186.674 тонна ош лавлаги, 756.123 тонна кўкатлар, 402.587 тонна карам ҳосили олиниши кутилмоқда.

2021 йилда эса 1.897.239 тонна пиёз, 383.718 тонна саримсоқпиёз, 567.522 тонна сабзи, 195.552 тонна ош лавлаги, 788.499 тонна кўкатлар, 428.250 тонна карам ҳосили олиниши кутилади.

Мазкур қарорнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, юқоридаги маҳсулотларнинг қарийб 60 фоизи, 2021 йилдаги 4.015.285 тоннанинг 2.286.732 тоннаси, 2022 йилдаги 4.260.779 тоннанинг 2.413.855 тоннаси деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа майдонларида етиштирилади.

Август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш "Ҳар бир оила -тадбиркор" дастури

доирасида ажратиладиган Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро Молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Маҳсулот етиштирувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун ўқув семинарлари, экспортбоп навларини етиштириш ва экспорт қилиш борасидаги ишлар ташкил этилади.

Маҳсулот етиштирувчиларга агрономик тавсиялар бериш, энг мақбул давлатларга қулай вақтларда экспорт қилишда кўмаклашиш ва мазкур тадбирларга даҳлдор бўлган бошқа масалалар “Саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси” ва уларнинг ҳудудий жамиятлари томонидан амалга оширилади.

Хулоса қилинганда, мазкур тадбирлар аҳоли томорқаларидан оқилона фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

Айни кунларда мамлакатимиз аҳолисини эрта кўкламда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлаш учун агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини етказиб бериш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Сабзавотларни
тўқсонбости усулида экиш



Сабзавотларни қиш олдидан тўқсонбости усулида экишнинг қандай афзаллик томонлари бор?

Сабзавотлар қиш олдидан экилганида уруғлар паст ҳароратдаги намликда қўпчиб бўкади, яровизация даврини табиий шароитида қишлаб ўтайди, нимжон уруғлар ўлиб кетади, ҳақиқий бақувват уруғлар эрта баҳорда паст ҳароратда майсалайди.

Яровизация даврини табиий шароитда ўтаган уруғларнинг майсалари совуққа ва касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли бўлади.

Баҳорда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ҳар доим ҳам экиш ва уруғларнинг униши учун қулай шароит яратилавермайди. Қиш олдидан экилган экинлар эса, об-ҳавога қараб қулай униб чиқиш даврини ўзи аниқлайди. Ҳатто ерларнинг лой совуқ бўлиб қулай муддатнинг чўзилиши ёки қурғоқчил келиб, тупроқ наминнинг қочиши ҳам бу экинларга таъсир кўрсатмайди.

Бу усулда уруғларни экиш олдидан экишга тайёрлаш каби катта меҳнат талаб қилинадиган тадбирлар амалга оширилмайди.

Тўқсонбости усулида экилиб мулчаланган сабзавот экинларининг уруғи қишки ёғинлар таъсирида аста-секин бўртиб, эрта кўкламда ҳаво ҳароратининг паст бўлишига қарамай, уруғлардан майсалар тез ўсиб чиқади. Натижада ушбу майсалар баҳорги қисқа муддатли совуқларга бардошли бўлиши билан бирга баҳорги экилганига қараганда 10-15 кун эрта пишади ва серҳосил бўлади.

Айниқса, баҳор серёғин келиб, ерлар ишлов беришга етилмай, экиш муддати чўзилиб кетган йилларида бу янада аҳамиятли ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳорда катта майдонларга экин экиш керак бўлган даврдаги энг қимматли вақтингизни тежайди.

Тўқсонбости усулида экишнинг яна бир хусусияти шундаки, уруғлар паст ҳароратдаги намликда кўпчиб бўкади, лекин униб чиқмасдан қишлайди. Нимжон уруғлар ўлиб кетади. Хақиқий бақувват уруғлар эрта баҳорда паст ҳароратда майсалайди. Яровизация даврини табиий шароитда ўтаган уруғларнинг майсалари совуққа ва касаллик ҳамда зараркунандаларга анча чидамли бўлади.

Қайси экинларни тўқсонбости усулида экиш керак?

Совуққа чидамли сабзавотлар саримсоқпиёз, пиёз, сабзи, ош лавлаги, редиска, карам (жанубий минтақаларда), кашнич, петрушка, укроп, сельдерей, шпинат, шавель, исмалоқ, кўкпиёз, руккола, шовул, зира, фенхель, салат ҳамда шолғом (баҳорда боғлаб сотиш учун) ўсимликлари экилади.

Сабзавотлар қиш олдидан қайси муддатларда экилади?

Тўқсонбости экинлари асосан Қавс ойида экилади. "Қавс чиқиши билан тўқсон дохил бўлади" дейдилар. Қавс – форсча - камон, ўзбекча - ёй, 19 ноябрдан-18 декабргача, 30 кун.

Ўзбекистоннинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, олимларимиз тўқсонбости экинларини жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрдан-15 декабргача, шимолий вилоятларда 1 ноябрдан - 1 декабргача экишни тавсия этишган.

Фақат саримсоқпиёз сентябрь-октябрь ойларида, карам жанубий вилоятларда ноябрь-декабрь ойларида экилади.

Тўқсонбости усулида экинларни экишнинг энг қулай муддати ҳаво ҳарорати 2-3 даражага пасайган пайти ҳисобланади. Экиш учун энг яхши ҳарорат 1-2 даража илиқ бўлган пайт. Пиёз, саримсоқпиёз, шпинатлар эрта муддатда экилаверади. Чунки бу экинлар кўкариб чиққанидан кейин қишки совуқларга чидамли бўлади.

Экиш учун ер қандай тайёрланади?

Ерни тайёрлашда ҳар бир экиннинг ўтмишдош экинларига аҳамият қаратилиши керак. Акс ҳолда кейинги йилида касаллик ва зараркунандалар катта зарар келтириши мумкин.

Кузда 1 метр квадрат майдонга 2-4 килограмм чириган гўнг, 20-50 г. суперфосфат, 20-30 г. калий хлор солиб кичик майдонлар

чопилади. Катта майдонлар эса ҳайдалади. Сабзи, пиёз ва саримсоқпиёз экиладиган ерга янги гўнгни солиш асло мумкин эмас. Экинларнинг барглари кучли ривожланиб, мевалари майда ва касалликларга чалинадиган бўлиб қолади.

Майдонлар йирик кесакли ҳайдалган бўлса, фреза ёрдамида кесаклари майдаланиб, кейин бороналар билан 12-14 см. чуқурликда ишлов бериш билан бирга молалаб чиқилади. Сўнгра КОН-2,8А ёки КРН-4,2 русумли юмшатгичлар ёрдамида эгатлар тортилиб, экишга тайёрлаб қўйилади.

Ерни тайёрлашдан бошлаб экинларни озиқлантириш бўйича замин яратиш керак.

Тўқсонбости усулида экилганда экинлар қандай ва қачон ўғитланиши керак?

№	Экин турлари	1 т. маҳсулот ҳисобига кг. (соф модда хисобида)			Гўнг тонна	Ўғитлаш муддатлари (%) да			
						Ҳайдов олдидан	Экиш олдидан	Парвариш даврида	
		N	P	K				1 чи озиқлан-тириш	2 чи озиқлан-тириш
1	Сарим соқ-пиёз	10,6	7,3	3,6	15-20	P-75, K-100	P-25	N-50униб чиққанда	N-50тугаётганда
2	Пиёз,	10,6	7,3	3,6	15-20	P-70-75 K-100	P-25-30	N-50. униб сиққанда	N-50. пиёз тугаётганда
3	Сабзи,	12-13	12-13	6-7	15-20	P-70-75 K-100	P-25-30	N-50. 2-3 барг	N-50. мева тугаётганда
4	Ош лавлаги,	12-13	12-13	6-7	20-25	P-75 K-100	P-25	N-50 2-3 баргида	N-50тугаётганда
5	Карам	5,7	4,0	2,2	25-30	P-70-75 K-50	N-10-15 P-30	N-35-40 кўчат тутганда	N-45-50 K-50 ўрагай бошлаганда
6	Укроп	3	1,2	4	15-20	P-75 K-100	P-25	N-50 ўтоқдан сўнг	N-50. 2-3 чин баргида
7	Петрушка	3	1,2	4	15-20	P-75 K-100	P-25	N-50 ўтоқдан сўнг	N-50. 2-3 чин баргида

8	Кашнич	3	1,2	4	15-20	P-75 K-100	P-25	N-50 ўтоқдан сўнг	N-50. 2-3 чин баргида
9	Редиска	3,2	1,6	5,0	15-20	P-70-75 K-100	P-25-30	N-50. 2-3 барг	N-50. мева тугаётганда
10	Салат	3	1,2	4	15-20	P-75 K-100	P-25	N-50 ўтоқдан сўнг	N-50. 2-3 чин баргида
11	Шовул	3	1,2	4	15-20	P-75 K-100	P-75	N-50 ўтоқдан сўнг	N-50. 2-3 чин баргида
12	Руккола	3	1,2	4	15-20	P-75 K-100	P-75	N-50 ўтоқдан сўнг	N-50. 2-3 чин баргида
13	Исмалоқ	3	1,2	4	15-20	P-75	P-25	N-50 ўтоқдан сўнг	N-50. 2-3 чин баргида
14	Кўкпиёз	3	1,2	4	15-20	P-70-75 K-100	P-25-30	N-50. ягана, ўтоқда	N-50. шакл-лана бошласа

Эслатма: 1)* Илдиз мевалиларни етиштиришда янги гўнг солиб бўлмайди. Гўнгни чириган компост ҳолида солиш мумкин. Томорқаларда тўқсонбости экинларини экиш учун ер тайёрлашда камида 1 сотих ерга 150–200 кг. (10 сотихга 1,5–2 т) чириган гўнг солинади. Гўнг солишнинг юқори даражаси 1 сотих ерга 300–400 кг.

Эслатмалар:

Юқоридаги жадвалда бир тонна ҳосил олиш учун қанча миқдорда соф ҳолда азот, фосфор ва калий зарур бўлиши келтирилган. Экин экаётган деҳқон ўз еридан қанча тонна ҳосил олишни режалаштираётган бўлса, рақамларни шу тоннага кўпайтириши керак.

Масалан: бир тонна пиёз ердан (соф ҳолда) 10,6 кг. азот, 7,3 кг. фосфор, 3,6 кг. калийни олиб чиқиб кетади.

Агар бир гектар ердан 30 тонна пиёз ҳосили олиш режалаштирилган бўлса, жадвалдаги 10,6 азот, 7,3 фосфор ва 3,6 калий миқдорини 30 га кўпайтирсак, соф ҳолда 318 килограмм азот, 219 килограмм фосфор, 108 килограмм калий зарур бўлади. Табиийки, ўғитлар туз ҳолида чиқарилади. Агар суперфосфат таркибида фосфор 20 фоиз бўлса, ўз-ўзидан маълумки, пиёз етиштиришдаги 219 килограмм фосфорни 5 га кўпайтириб, 1095 килограмм суперфосфат ўғити солинади.

Шунингдек, сабзи ва лавлагидан олинадиган ҳар бир тонна ҳосил учун сарфланадиган (соф ҳолда) 12-14 кг. азот, 10-11 кг. фосфор, 6-7 килограмм калий ҳам режадаги олинадиган ҳосил миқдорига қараб юқоридаги тартибда аниқланилади.

Деҳқонларга қулайлик яратиш учун туз ҳолида чиқариладиган минерал ўғитларни таркибидаги озуқа фоизига қараб, туз ҳолига айлантирувчи коэффициентларини тақдим этамиз.

Озиқ модда меъёрини ишлатиладиган тайёр кукун ўғитга айлантириш коэффициенти

Ўғитларнинг номи	Тайёр ўғитга
Амиакли селитра	2,94
Мочевина	2,17
Аммоний сулфат	4,88
Суперфосфат (20%ли)	5,00
Суперфосфат (18%ли)	6,67
Аммофос	2,17
Калий хлорат	1,66
Калий тузи	2,50

Яна бир мисол: 30 тонна пиёз етиштириш учун 318 килограмм соф ҳолда азот зарур бўладиган бўлса, аммиакли селитрадан қанча солиш керак? Аммиакли селитра таркибида 34,6 фоиз азот бор. Қарийб уч баробар кўпайтириш кераклиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Жадвалдаги тайёр ўғитга айлантириш коэффициентидан фойдаланиб, 318 килограммни 2,94 коэффициентга кўпайтирсак, 934,92 килограмм аммиакли селитра зарурлиги келиб чиқади. Бу ўринда тушунарли бўлиш учун аниқ рақамларни келтирдик. Ишлатиш жараёнида фарқ 5-10 фоиз бўлиши мумкин.

Экинларни ўғитлашда тупроқ унумдорлиги, ўтмишдош экинлар, режалаштирилган ҳосилдорлик ва минерал ўғитлар таркибига қараб, қанча минерал ўғит сарфланишини аниқ ҳисоблаб чиқиш зарур.

Минерал ўғитларни тавакқалчилик билан сарфлаш ҳам иқтисодий, ҳам саломатликка зарар келтиради.

Янги иш бошлаган деҳқонлар эса бундай ҳисобларни юритишда қийналишади. Шунинг учун тупроқ иқлим шароитимиздан келиб чиқиб, тўқсонбости усулида экиладиган эртанги карам, сабзи, пиёз, саримсоқпиёз учун гектарига (соф модда ҳисобида) N-145-200 кг., P-100-110 кг., K-70-75 кг тавсия этилган. Бу рақамларни ҳам юқоридаги жадвалда берилган коэффициентга кўпайтириб, туз ҳолидаги ўғит миқдорини аниқлаймиз. Демак, бир гектар ерда эртанги карам, сабзи, пиёз, саримсоқпиёз етиштириш учун 426 килограммдан 588 килограммгача аммиакли селитра, 500 килограммдан 550 килограммгача суперфосфат, 116 килограммдан 124 килограммгача калий хлорат тузини сарфлаши керак.

Деҳқон юқори ҳосил берувчи экинларни экиб, илғор технологияларни қўллаган ҳолда максимал даражада ҳосил олишга ҳаракат қилса, минерал ўғитлар берилиши миқдорини илмий асосларда ҳисоблаб чиқариши зарур. Фақат шу нарсани унутмаслик керакки, бир хил минерал ўғитнинг камайиши ҳисобига иккинчисининг миқдорини ошириш асло мумкин эмас. Экинлар барча элементларни талаб даражасидаги белгиланган меъёрда берилгандагина яхши ўзлаштиради. Аксинча талаб даражасидаги бирор элементнинг миқдори камайиб кетса, бошқа элементларни ўзлаштириш даражаси ҳам пасайиб кетади. Зарур элементлардан ҳам фойдалана олмайди. Натижада ерда бу тузлар тўпланиб, ернинг шўрланиш даражасини орттириб юборади.

Маҳаллий ва минерал ўғитларни ортиқча солиш ҳам керак эмас. Шўр ерларда ўсимликлар қанчалик қийналса, ортиқча ўғитлашда ҳам шундай қийналади. Академик Д.Н.Прянишников ўсимликни қандай парвариш қилишни билмаганлар ўғитга зўр берадилар, деб айтган.

Тўқсонбости усулида экиш учун сабзавот уруғларини қандай танлаш керак?

Қиш олдидан экишга ҳамма сабзавотларнинг уруғлари ҳам ярайвермайди.

Кузда экиш учун сабзавот уруғларининг тўқсонбости усулига мос келадиган, тезда гул поясини чиқариб юбормайдиган, совуққа ва баҳорги ўткинчи совуқларга чидамли бўлган сабзавотларнинг уруғларини экиш мумкин, холос.

Масалан, лавлагининг аксарият навлари қиш олдидан экилганида баҳорда гул поясини чиқариб юборади.

Шунинг учун олимларимиз томонидан лавлагининг фақат қиш олдидан экилганида гулпоясини чиқармайдиган маҳаллий Диёр, Ягона ва хориждан келтириладиган навларидан Бордо 237, Бикорес, Боро F_1, Детройт, Пабло F_1 дурагайлари тавсия этилган.

Ушбу қўлланмада экинларни етиштириш тартиби бўйича олимларимиз томонидан тўқсонбости усули учун тавсия этилган навлар рўйхати берилди. Деҳқонларимиз тавсия этилган навларнинг экилишига аҳамият қаратишса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Экиш учун уруғлар сарфи қандай бўлади?

Тўқсонбости усулида уруғларни экишда имкон қадар шу йил етиштирилган уруғлик сепилади. Экиш меъёри баҳорги муддатлардаги экиш меъёридан 10 фоизга кўпроқ: ҳар гектар майдон ҳисобига 8 кг. сабзи, 20 кг. лавлаги, 18 кг. пиёз, 10 кг. гача кашнич, петрушка уруғи сарфланади. Агар уруғлик ўтган йилги ёки унувчанлиги паст бўлса, уруғлик сарфи 20-30 фоизгача, айрим уруғларнинг сифатига қараб эса 40-50 фоизгача оширилади. Акс ҳолда кўчатлар сийрак бўлиб, ҳосилдорлик камайиб кетиши мумкин. Баъзи деҳқонлар эски ёки унувчанлиги паст бўлган уруғларни сепиб қўйиб, баҳорда бузиб ташлаб, қайта экишга мажбур бўлиб қолишади. Шундай ҳолатнинг олдини олиш учун қиш олдидан экиладиган уруғлар фақат биринчи синф бўлиши ва экиш олдидан унинг унувчанлиги албатта текшириб кўрилиши керак.

Тўқсонбости усулида сабзавотларни экишда уруғларнинг унувчанлик хусусиятлари қандай текширилади?

Унутманг! «Деҳқон адашса, йилни йўқотади». Чунки ҳосилдорликнинг асосий омилларидан бири уруғликнинг сифатидир. «Қиммат бехосият эмас, арзон беиллат эмас»,-деган боболаримиз. Шунинг учун уруғликнинг қимматлигига қараманг, ишончли фирмалардан кафолати билан олинг. Олинган уруғни захирага қўяётганда ва экаётганда, албатта, унинг унувчанлигини текшириб кўринг. Агар сифат даражаси талаб даражасидан паст бўлса, ўз вақтида янги уруғларга алмаштиринг. Унувчанлиги паст уруғлар сийрак чиқиши билан бирга ривожланишдан ортда қолиб, ҳосилни камайтириб юборади. Агар уруғларингиз янги ҳосилдан олинган бўлса-ю, унувчанлиги биринчи синфдаги кўрсаткичлардан паст бўлса, шу пастлигининг миқдорида уруғлик сарфини ошириш керак. Шундагина белгиланган майдонда талаб даражасидаги экинлар сонига эга бўласиз.

Уруғларнинг унувчанлигини аниқлаш

Уруғликдан 100 донадан олиб, камида уч вариантда ундириб, уч вариантнинг ўртачасини олинг. Агар 100 дона уруғдан 70 донаси унган бўлса, демак унувчанлиги 70 фоиз.

Эслатма: уруғлар қоронғиликда 20°-30° ҳароратда, укроп ва салат уруғи 10°-20° даража ҳароратда ундирилади. Ундириш учун қулай муҳит намланган фильтр қоғози ҳисобланади.

Экин турлари	1 га.ерга экиш меъёри (кг)	Уруғ миқдори (1 граммда дона)	Уруғни сақлаш муддати, йил	Униб чиқиш, минимал	Қуруқ уруғ экилганда униб чиқиш муддати	Уруғлик намлиги, фоиз	Уруғ чиқиши %	Ундириш муддати (кун)		
								Уруғни ундириш ҳарорати	Униш энергияси	Унувчанлиги
Пиёз	16-20	322-374	3	2-3	8-18	11	60	20…30	5	12
Сабзи	6	555-1000	3-4	4-5	9-15	10	-	20…30	5	10
Петрушка	8	770-1000	2-3	3-4	12-20	10	-	20…30	7	14
Редиска	12	80-133	4-5	1-2	3-7	9	50	20…30	3	6
Шолғом	3-5	250-1000	4-5	3-6	3-6	9	60	20…30	3	6
Салат	2,5-3	800-1250	4-5	2-3	3-6	9	-	10…20	4	10
Хўраки лавлаги	16-20	45-70	4-5	5-6	8-16	14	60	20…30	5	10
Укроп	12-15	714-833	2-3	2-3	8-15	12	-	10…20	10	21
Шовул	3-4	476-1250	1-2	1-2	8-12	13	-	20…30	6	15

ИЗОҲ: ФҚ- фильтр қоғозда;
ФҚО - фильтр қоғоз орасида;
ФҚР - фильтр қоғоз рулонида;
Қ - қумда;
ҚИ - қум ичида;
Ё - ёруғликда;
Қ - қоронғуликда.

Уруғларнинг унувчанлигини аниқлаш усули: 100 донадан уруғни энг камида уч вариантда ундириб кўринг. Уч вариантнинг ўртачасини олинг. Агар 100 дона уруғдан 70 донаси унган бўлса, демак, унувчанлиги 70 фоиз.

Уруғлар қандай экилади?

Экиш усули:қиш олдидан экиладиган сабзавот уруғларига экиш олдидан ҳеч қандай ишлов берилмайди. Фақат қуруқ экилади. Сабзи, пиёз, хўраки лавлаги ҳамда кашнич уруғларини «СОИ-2,8» маркали сабзавот экиш сеялкасида тасма шаклида, қўш қаторлаб (50-20 см. оралиғида) ёки сочма усулда экиш мумкин. Кичик майдонларга эса уруғларни қўлда сепиб, кетидан хаскашлаб чиқиш керак.

Уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ва экиш схемаси: экиш чуқурлиги ўртача 1,5-2 см. Йирик уруғлар 4-5 см., ўртача уруғлар 2 см. майда уруғлар 1 сантиметрга кўмилади. Одатда баҳорги экишга қараганда чуқурроқ кўмилади. Пиёзларнинг ўзини экилганида йирикроқлари 4-5 сантиметр, майдалари 2-3 сантиметр чуқурликка, қатор ораси 15-20 см., пиёзлар ораси 8-10 см. масофада экилади. Пиёзнинг бўғзи ер сатҳидан 1,5-2 сантиметр чуқурда жойлашиши керак.

Экилган уруғлар қандай мулчаланади?



Сабзи, лавлаги, редиска, укроп, петрушка, салатлар экилганида ҳар бир эгат устига чириган гўнг ёки қипиқ сепиб, мулчалаб чиқиш уруғлар тўлиқ униб чиқиши учун қулай шароит (тупроқни қиздиради ва нам сақлайди) яратади. Натижада уруғлар эрта баҳорда тез униб, жадал ривожланади.

Томорқаларда эрта баҳорда экилган экинлар устига кул сепилса қорлар тез эриб, ер очилади ёки қора плёнка ёпиб қўйиш керак.

Қолган парваришлар баҳорги экинлар билан бир хил.

Саримсоқпиёз етиштириш

Экиш муддатлари:

Саримсоқ пиёз шимолий вилоятларда сентябрнинг биринчи ўн кунлигида, марказий вилоятларда сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида ва жанубий вилоятларда сентябрнинг учинчи ўн кунлигида экилади.

Кечи билан октябрь ойида экиб тугатилиши керак. Умуман олганда, саримсоқпиёз паллалари экилганидан сўнг, албатта, камида 2-3 ҳафта ривожланишга эришиши керак.

Акс ҳолда саримсоқпиёз яхши томир отиб улгурмайди. Шу боисдан паст ҳарорат ҳамда турли касалликларга чалинувчан бўлади. Бу ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади.

Нав танлаш: Ўзбекистонда саримсоқпиёзнинг икки нави - Жанубий "Маҳаллий пушти" (Южно фиолетовий) ва "Майский ВИР" туманлаштирилган. Ҳар иккала нав ҳам кузги, ўзакловчи "Майский ВИР" нави эртапишар, "Жанубий пушти" кечпишар.

Уруғликларни экишга тайёрлаш:

Саримсоқпиёз асосан палласидан экилади. Экиладиган пиёзбошчалари юқори унувчан, касалликлардан ҳоли, бутун, вазндор бўлиши зарур.

Экишдан уч-тўрт кун олдин саримсоқпиёз паллаларга ажратилади, сараланади; касалланган, эзилган ва майдалари ажратиб ташланади. (Катта гектарларга экилганида уруғликлар махсус машиналарда паллаларга ажратилади. Мазкур машинанинг 7 соатлик иш кунидаги иш унумдорлиги 3-5 т.).

Кичик майдонларга экилганида экиш нормаси 100 метр квадратга паллачалари учун 10-15 кг, пиёзчалар учун 0,8-1 кг. ни ташкил қилади.

Экиш схемаси:

Саримсоқпиёз лентасимон икки ва уч қаторлаб экилади. Уч қаторлаб экилганда ленталар оралиғи 50-60 см. Ленталардаги

қаторлар ораси 10-15 см., икки қаторларда эса 20 см. бўлади. Қатордаги ўсимликлар оралиғи ҳар қандай ҳолатда ҳам 6-8 см., чуқурлиги 3–4 см. қилинади.

Кичик участкаларга саримсоқпиёз қўлда экилади, бунда йирик паллалар 6-9 см, кичик паллалар эса 3-4 см. чуқурликка қадалади.

Кичик майдонларга экилганида пиёзчаларга озроқ озиқ майдони етарли бўлишини инобатга олиб, экиш оралиқларини қисқартириш мумкин.

Саримсоқни механизация ёрдамида экиш учун экспериментал экувчи аппарат билан қайта жиҳозланган СЛН-8 маркали пиёз экиладиган сеялкадан фойдаланилади.



Уруғлик сарфи:

Катта майдонларда экилганда саримсоқпиёз бўлаклари 50х20х5 сантиметрли схемада экилади, бир гектарга 1000-1200, айрим навларида 1500 килограммгача уруғлик сарфланади.

Агар экиш қуйидаги схемаларда амалга оширилса, икки қаторлаб 50х20х5-6 см, 40х15х15х7-8 см. 1 га ерда ўсимликнинг сони 450-600 минг донани ташкил этади.

Ўғитлаш: Тупроқ турига қараб саримсоқ экиладиган ерга гектарига чириган гўнг 20-30 тонна, азот 200 кг, фосфор - 140-160 кг,

калий - 60-75 кг. солинади. Кичик майдонларда гўнг кўп солиниши, ерларнинг унумдорлиги юқорилиги сабабли 10 сотих ерга соф ҳолда 10–15 кг. азот, 10–12 кг. фосфор ва 5 кг. калий ўғити солиниши етарли бўлади. Саримсоқ экиладиган ерга янги гўнг солиш ярамайди, чунки бу ҳосилнинг етилишини кечиктиради ва у яхши сақланмайди.

Органик, 75% фосфорли ҳамда калийли ўғитларнинг йиллик миқдори ҳайдашдан олдин солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган қисми ва гектарига 30-40 кг. азот экиш пайтида берилади. Азотли ўғитларнинг қолган қисмини икки бўлиб: эрта баҳорда, биринчи ўтоқдан кейин ва шундан сўнг 2-3 ҳафта ўтиб берилади.

Кузги парвариши:

Саримсоқпиёз экиб бўлингач, тупроқ сомонли гўнг чириндиси билан мулчаланади.

Қишга кириш олдидан кузда саримсоқ кўчатлари 2-3 марта суғорилади. Бу ўсимликнинг тупроқ ости ва усти қисмини жадал ўсишига ёрдам беради ва ўз навбатида саримсоқнинг совуққа чидамлилигини оширади.

Кўклам-ёзда парвариш қилиш: 5–6 марта суғориш, қатор ораларини юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш, чопиқ қилиш, гулпояларини синдириб ташлаш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва чиринди билан мулчалаш ҳосилни анча оширади.

Махсус парвариши

Саримсоқпиёзни эрта баҳордан бошлаб, сийраклатиш мақсадида юлиб олинганлари боғлаб сотувга чиқарилади.

Шундан сўнг саримсоқпиёзнинг поясини синдириб, олиб ташланади. Фақат пиёзча олиш мақсад бўлганидагина пояси қолдирилади. Пиёзча олиш учун поялар қолдирилганида мураккаб пиёзнинг ҳосилдорлиги камаяди. Поялар олиб ташланса, асосий мураккаб пиёзининг ҳосилдорлигини 30-40% га ортишига олиб келади.

Баъзи деҳқонлар пояни узиб ташламайди-да, саримсоқ пиёзини катталаштириш учун пояларни қайириб ўзини-ўзига боғлаб қўйишади. Бу ҳам яхши натижа беради.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Пиёз пашшаси, тамаки трипси, кузги тунлам каби зараркунандаларга қарши курашда 10 сотих экин мийдонига препаратлардан

бирортасини: ДВА-трин 10% эм.к. (40 мл), Талстар 10% эм.к. (30–40 мл), Конфидор 20% эм.к. (25–30 мл) препаратлари қўлланилади.

Касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, мозаика, сарғайиш, бўғин чириш касалликларига қарши уруғларни қиздириш, касал ўсимликларни йўқотиш, касалликларига қарши 1 фоизли Бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 6–8 кг/га), Топаз 10% эм.к. (12,5–15 мл) ёки Курзат Р н.кук. (200–250 г) препаратларидан бирортасини 60 л сувда аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.



Ҳосилни йиғиштириш.

Саримсоқ пишиб етилганлигини гулпоясининг сарғайиши, пўстлоғининг юпқалашиши ва қуришидан билиш мумкин. Саримсоқ баргларининг ярми қуриб қолганда ва меваси пўсти нав учун хос бўлган ранг олгандан сўнг йиғиштириш керак. Ҳосилни йиғиш муддати - июнь-июль ойлари.

Саримсоқ ҳосилини ўз даврида йиғиштириб олиш керак, акс ҳолда унинг паллалари бир-биридан ажралиб кетади, ҳосил нобуд бўлади, товарбоплиги ҳамда сақлашга яроқлилиги пасаяди.

Ҳосилни териб олишга 2-3 ҳафта қолганда суғоришни тўхтатиш керак, бу саримсоқни сақлашга чидамлилигини оширади.

Томорқаларда ҳосил белкурак билан ердан кўтарилиб, қўлда териб олинади, кейин қуритилади. Барги ва гулпояси бўғинидан 3–5 см қолдирилиб, кесиб ташланади, пиёзлари майда-йириклигига қараб сараланади.

Катта майдонларда саримсоқни лавлаги, картошка ва пиёзни кавлайдиган ЛГК-1,4 ва бошқа машиналар билан кавлаб олинади. Қуёш нуридан сақлаш учун улар уйиб қўйилади, пиёзнинг барглари

билан беркитилади. Саримсоқ уюмда 10-15 кунда етилади. Қуритилган саримсоқнинг новдаси 3 см. қолдирилиб кесилади саримсоқ ҳосилини йиғишда, сортларга ажратишда механик шикаст етказишга йўл қўйиб бўлмайди, чунки уларнинг товарлик сифати пасаяди ва ёмон сақланади.

Пиёз етиштириш

Навлари. Тўқсонбости муддатда пиёзнинг маҳаллий шароитда яратилган Истиқбол, Зафар, хорижнинг Манас, Дайтона, Леоне, Банко, Родар навлари тавсия этилади.

Навларнинг ҳусусиятлари:

«Истиқбол» - ўртапишар, ярим аччиқ нав. Униб чиқишидан то етилгунча 135-145 кун керак, нав салат ва консерва саноати учун мўлжалланган. Қишга сақланиши жуда яхши. Ҳосилдорлиги гектарига 35 т. Пиёзбоши узунчоқ, тухумсимон шаклда. Қуруқ пўстининг ранги сариқ, пўстлари этли, оқ, юпқа.

«Зафар» - ўртапишар, ярим аччиқ нав. Униб чиқишидан то пиёзи етилгунча 138-148 кун керак. Нав салат ва консерва саноати учун мўлжалланган. Қишга сақланиши жуда яхши. Ҳосилдорлиги гектарига 35-38 т. пиёзи юмалоқ. Қуруқ пўстининг ранги пушти. Трипс зараркунандасига ва переноспориоз касалига нисбатан чидамли.

Хориж навлари:

Дайтона F1 (Daytona F1)



Ўта серҳосил пиёз дурагайларидан бири ҳисобланади. Вегетация даври 100 - 115 кунни ташкил этади. Ранги сарғиш жигарранг бўлиб, думалоқ шаклга эгадир. Ўртача вазни 130 - 180 грамм. 4 - 5 ой мобайнида сақланиб туради. Илдиз тизими кучли ривожланган, қисқа даврдаги сув танқислигига чидамли. Фузароиз ва илдиз чириш

касалликларига бардош беради. Республикамизнинг барча ҳудудларида етиштириш учун тавсия этилади.

Манас F1 (Manas F1)



Дайтона пиёзидан қолишмайдиган эртапишар пиёз дурагайи. Ушбу пиёз кун узунлиги ўртача бўлган ҳудудларда экишга тавсия этилади. Вегетация даври 111-116 кунни ташкил этади. Пиёзнинг ранги сарғиш ялтироқ бўлиб, думалоқ шаклдадир. Вазни 140-180 гр. Серҳосилдир. Фузариоз ва илдиз чириши касалликларига чидамли.

Ерни тайёрлаш.

Ерни тайёрлашда ўтмишдош экинларга аҳамият қаратилиши керак.

Яхши ўтмишдош экинлар: сидератлар, помидор, бодринг, карам, дуккакли ва илдизмевали экинлардан бўшаган ерларни танлаган маъқул.

Ёмон ўтмишдош экинлар: пиёз, саримсоқпиёз, картошка, бодринг, сабзидан кейин экиш мақсадга мувофиқ эмас..

Экиш муддатлари. Пиёз уруғини тўқсонбости усулида экиш муддатига кўра, жанубий вилоятларда 5-30 декабрда, марказий минтақада жойлашган вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий минтақаларда 1-30 ноябрга тўғри келади.

Уруғ сарфи. Тўқсонбости муддатда пиёз уруғи гектарига баҳорги муддатдаги 12–15 кг. ўрнига 20 кг. сарфланади. Сабаби қишнинг қаттиқ совуқларида майда, озуқа моддалари тўлиқ бўлмаган, унувчанлиги паст уруғлар униб чиқиш ҳусусиятини йўқотади. Юқори сифатли ҳосил олайин десангиз, ўртача 1 метр квадрат ерга икки граммдан фақат бир йиллик уруғни экинг, иккинчи йилга қолдирилган уруғлар ўзининг актив унувчанлик қувватини пасайтиради.

Сараланган йирик уруғларнинг 250-300 донаси бир грамм келса, майда уруғларнинг 1 граммида 500 донагача пиёз уруғи бўлади.

Шунинг учун экишга пиёз уруғи сарфини аниқлашда уруғнинг майда ва йириклигига ҳам аҳамият беринг.

Экиш. Пиёз СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеялка билан ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см. дан олиб уч-тўрт қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади. Уруғлар 1,5-2 сантиметр чуқурликка кўмилиши таъминланади.

Парваришлаш.



Пиёз икки-уч марта дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см. га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-2,8А русумли культиватор билан 15-16 сантиметр чуқурликда ишлов берилади.

Ўғитлаш. Пиёздан 30 тоннагача ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга тупроғи юқори унумдор майдонларда 250 килограмм азот, 200 килограмм фосфор, 80 килограмм калий, ўртача унумдор тупроқларда 300 килограмм азот, 220 килограмм фосфор ва 90 килограмм калий, паст унумдор тупроқларда 320 килограмм азот, 220 килограмм фосфор ва 100 килограмм калий берилиши лозим.

Омилкор деҳқонлар гектаридан 80-100 тонна ҳосил олади. Бундай ҳолатда ўғитлар миқдори шунга пропорционал равишда орттирилади.

Пиёз учун мақбул бўлган азот ўғити аммиак селитраси, фосфор ўғитларидан эса суперфосфат, аммофос ўғитидир. Турли даражада шўрланган ерларда пиёз етиштирилганда азот ўғити сифатида аммоний сульфат, калий ўғитларидан калий хлорид, калий сульфат каби ўғитларни бермаслик керак. Бу хилдаги ўғитлар тупроқда оз миқдорда бўлса ҳам шўрланиш даражасини оширади. Бу пиёз ўсимлигини униб чиқаётганда, ўсиб ривожланишига, ниҳоят, олинадиган ҳосилга, маҳсулот сифатига салбий таъсир этади.

Ўғитларни бериш муддати. Режалаштирилган ҳосилга белгиланган фосфор ўғит йиллик миқдорининг 70-75 фоизи ернинг асосий ишловида, қолган қисми эса бороналашдан олдин берилади. Азот ўғитини эса вегетация даврида озиқлантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш пиёз яганалаб, пиёз боши ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди. Гўнг берилганда унинг таркибидаги бегона ўтлар уруғлари униб чиқиб, олинадиган ҳосилга салбий таъсир этади.

Суғориш. Пиёз тўқсонбости усулида экилганида сув берилмайди. Ёғинлар ҳисобига тупроқ намига қишлайди. Эрта баҳордан бошлаб, тупроқ шароити ва об-ҳавога қараб, 5-6 марта суғорилади. Биринчи сув одатда баҳорги ёғин-сочин тўхтагандан кейин берилади. Кўклам серёғин келган йилларда бу муддат апрелнинг иккинчи ярмига, ёғингарчилик кам бўлган йилларда эса апрелнинг бошларига, айрим ҳолларда эса ҳатто март ойининг охирига тўғри келади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда кўкламнинг охири – ёзнинг бошларида пиёз ҳар 7-10 кунда суғорилади.Ҳар галги суғоришда гектарига 400-500 $м^3$ ҳисобидан сув берилади.

Пиёзни тез-тез суғориш то пиёзбоши шаклланишининг охиригача давом эттирилиб, янги барг ўсиб чиққандан сўнг тўхтатилади. Июнь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни пиёзбошининг ўсиши тўхтагандан кейин экин 12-14 кун оралатиб, икки марта суғорилади ва йиғиб-териб олишга бир ой қолганда суғориш тўхтатилади. Экин шу тарзда суғорилганда пиёзбоши қаттиқ, тиғиз ва узоқ сақланадиган бўлиб етилади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда пиёзни ўсув даврида 11-13 марта, сизот суви яқин бўлган участкаларда 7-9 марта суғориш керак.

Бегона ўтларга қарши курашиш



1. Деметра. Баъзи бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши қўлланилади.

Шунингдек, чакамуғ (қумри ўт) ва печакка қарши яхши самара беради.

Сарф меъёри: 0,4 - 0,5 кг/га.

Қўллаш муддатлари: пиёз 1-2 барг бўлганида сепилади.

2. Бицепс гарант. Шўра ва бошқа 40 га яқин бир йиллик икки паллали бегона ўтларга ва баъзи бошоқли бегона ўтларга жуда яхши қарши таъсир кўрсатади.

Сарф меъёри: 1,5 кг/га.

Қўллаш муддатлари: Бегона ўтлар 2-4 барг бўлганида сепилади ва иккинчи марта қайта ишлов берилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш. Пиёз пашшаси, тамаки трипси ва бошқа зараркунандаларга қарши курашда 1 гектарга препаратлардан 10 фоизли ДВА-трин эм.к. (300-400 мл) ёки Талстар эм.к. (300-400 мл) ёки 20 фоизли Конфидор эм.к. (250-300 мл), касалликлардан сохта ун шудринг, илдиз чириш, бўғин чириш касаллигига қарши 1 фоизли Бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 кг/га) билан ишлов берилади. 10-15 кундан кейин қайта ишлов берилади. Ун шудрингга қарши 10 фоизли Топаз эм.к. (125-150 мл.) ёки Курзат Р (200-250 г.) препаратларини 600 литр сувга аралаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Томорқада умумий зараркунанда ҳашаротларга қарши курашишда тамаки ёки махоркали ун қилиб туйиб, кул билан бирга чангитиш керак.

Тамаки кукунига ундирилиб қуритилган оҳак ва нафталин кул қўшиб, 100 метр квадрат ерга 1-2 килограммдан чангитилса, яна ҳам яхши наф беради.

Тамаки ва дастарбошнинг қайнатмасини пиёзнинг ўсув даврида сепиш ҳам яхши натижа беради.

Вегетация даври: 150-180 кун.

Ҳосилни йиғиштириш.Ҳосил пишиш даври: июль-август. Поялари ётиб қолганда пиёз бошлари етилган ҳисобланади. Пиёз бошлари кавлаб ёки пояси билан бирга суғуриб олинади.



Сабзи етиштириш

Ер танлаш: сабзи минерал ўғитларга бой ўтлоқ, юмшоқ қумлоқ ёки енгил қумоқ тупроқли участкаларда яхши ўсиб, юқори ҳосил беради. Картошка, бодринг, помидор ва карам унга яхши ўтмишдош бўлади. Сабзини пиёз ва полиз экинларидан бўшаган участкага экиш ярамайди, чунки ўт босиб кетади.

Экиш муддати: Сабзи уруғлари 2-3°С да уна бошлайди. Шунинг учун сабзини ҳаво ҳарорати 0-2 даражагача бўлган даврда экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай шароит бизнинг шароитимизда ноябрь ойининг 2-3 ўн кунлигидан декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида бўлади. Айрим йиллари декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ҳам кутилиши мумкин. кечалари озгина ер юзаси музлаб кундузи тупроқ ишлов бериш учун қулай бўлади.

Сабзи навлари: Ўзбекистонда сабзининг Мушак 195, Мирзои красная 228, Мирзои желтая 304, Нурли 70, Нантская 4, Шантанэ

2461, Зийнатли, Барака, Цирано-Берликумер навлари районлаштирилган.

Тўқсонбости усулида Шантане, Нантская, Зийнатли навлари экишга тавсия этилади.

Нант-4 нави эрта баҳорда майса кўринган кундан бошлаб 45-50 кунда қозонингизга тушади. 110-120 кунда эса техник жиҳатидан пишиб етилади.

Экиш усули: сабзи 60х60 см ёки қатор ораси 70 см. да экилади.

Экиш нормаси: сабзи гектарига 6-8 кг. ҳисобида экилади. Уруғларнинг янги ва эскилигига (унувчанлик фоизига қараб) 10 фоиздан 30 фоизгача орттирилиши мумкин. 1000 дона уруғининг вазни 1,6-2 г. келади.

Парваришлаш: Ўсимликларда 1-2 чинбарг пайдо бўлганда биринчи ўтоқ ва ягона, ундан икки ҳафта ўтгач, иккинчи ягона ва ўтоқ ўтказилади. Биринчи ягоналашда сабзи 2-3 см, иккинчисида эса 5-7 см, бўлгани мақсадга мувофиқ бўлиб, текис ва товарбоп ҳосил олинади. Қалин кўчат қолдирилган сабзининг ҳосилдорлиги камайиб кетади.





Сабзининг бегона ўтларини химиявий ўтоқ қилиш

Сабзи экилган майдонларда химиявий ўтоқ ўтказишда бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларга қарши экишгача ёки униб чиққунга қадар 50% Гезагард гербицидидан 2-3 кг/га. ёки 33% Стомпдан 1-2 л/га. ҳисобида 600 литр сувга аралаштириб пуркаш тавсия этилади.

Сабзини ўсув даврида, яъни 3-4 чингбарг чиқарган даврида бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтлар учун 12,5% Фюзилад супер гербицидидан 1-2 л/га ёки 20% Набу 1,5-3,5 л/га ҳисобида пуркалади. Сабзида кўп йиллик бошоқли экинлар учун 10,4% Зелек супер 1,0 л/га ёки 12,5% Фюзилад супер 2,4-4 л/га ҳисобида бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см. бўлганда сепиш мумкин.

Ош лавлаги (қизилча) етиштириш

Лавлагининг биологик хусусиятлари: уруғининг 1000 донаси 15-25 грамм вазнга эга бўлади. Лавлаги илдиз мевасининг оғирлиги 400 граммдан 900 граммгача тош босади. Уруғи эса унувчанлигини 5-7 йилгача сақлайди. Баъзи маълумотларда 8 йилгача сақлайди деб айтилган.



Ҳароратга бўлган талаби: лавлаги 4-5 даража илиқ ҳароратда уна бошлайди. Шунинг учун тўқсонбости усулида ҳарорат 1-2 даража илиққа тушгандагина экиш бошланади. Баҳорда янги униб чиққан ниҳоллар -2 даража совуққа, каттароқ бўлганда эса -3 даража совуққа бардош беради.

Навлари: МДҲ давлатлари ҳудудларида эртанги, ўртанги ва кечки навларининг 14 та нави экилади.

Бизнинг шароитимизга тўқсонбости усулида экиш учун хўраки лавлагининг Бордо-237, Подзимняя А-474, Бикорес навлари кўпроқ мос келади.

Подзимная А-474 нави кузда экилиб, эрта баҳорда эртаги ҳосил олинади. Илдиз мевасининг оғирлиги 210-370 грамм.

Северный шар К-250 нави ҳам кузда экишга яроқли. Меваси тўқ қизил. Илдиз мевасининг оғирлиги 150-350 грамм.

Пушкинская плоская. Эртанги нав. Илдиз меваси қизил-сиёҳ рангида бўлиб, 195-315 грамм тош босади.

Болтарди F-1. Вегетация даври 100-110 кун. Узоқ муддат сақлаш мумкин. Эрта экиб боғлаб сотувга чиқариш мумкин. Катта майдонларда экилганида эрта баҳорда гектарига 500 минг дона кўчат, кейинчалик 450 минг, ёзда экилганида 250-300 минг кўчат қолдирилади.

Япониянинг **Соло F-1 ва Мерлин F-1** навлари 50-60 кунда пишади.

Лавлагининг **Боро F1(Boro F1)** нави

Ўрта пишар ҳосилдор дурагай. Меваси харидоргирлиги ва таъми билан ажралиб туради. Вегетация даври, уруғи униб чиққач, 115 кун. Оққалқаси йўқ. Табиатнинг ноқулай шароитларига мослашувчан ва чидамлидир.

Экиш: лавлагини ҳар қандай тупроққа экиш мумкин. Лавлаги тупроқ концентрацияси 2,5-3% бўлганида ҳам яхши ўсаверади. Лавлагини помидор, пиёз, бодринг, сабзи, картошка ва дуккакли экинлардан кейин экиш мумкин. Аммо карамдан экилган ерга карамдан кейин экиш мумкин эмас.

Лавлагини 2,5-3 сантиметр чуқурликка, қатор орасини 25-30 сантиметр қилиб экилади. 1 метр квадрат ерга 1,6-2 грамм уруғ сарфланади. 1 гектар ерга 12-16 килограмм уруғ сарфланади.

Сийраклатиш: униб чиққанидан кейин 1-2 та чин барг чиқарганида биринчи бор, 5-6 чин барг чиқарганида иккинчи бор ягана қилиниб, сийраклатилади. Бунда қатордаги экин орасини лавлаги навига қараб 8-9 ва 10-12 сантиметр қилиб қолдирилади.

Умуман, лавлагининг нав хусусиятларига қараб, бир метр-квадрат майдонда 30-40 дона ниҳол қолдирилади.

Қатор ораларини юмшатиш: лавлагини ўсув даврида 2-3 маротаба қатор оралари юмшатилади.

Суғориш: ўсув даврида нав хусусиятига қараб 6-8 маротаба суғорилади.

Озиқлантириш: лавлаги дастлабки ўсув даврида азотни кўп талаб қилади. Илдиз мевани тугиш даврида эса калий ва фосфорни кўп талаб этади.

Вегетация даврида икки маротаба озиқлантирилади. Биринчиси 4-5 чинбарг чиқарганида, иккинчиси биринчи озиқлантиришдан 20 кундан кейин. Томорқаларда биринчи озиқлантиришда товуқ гўнгини 1:12, мол гўнгини 1:10 нисбатда суюлтириб бериш тавсия этилади. Кичик майдонларда иккинчи озиқлантиришда 10 литр сувга 16-20 грамм сульфат калий, 2 грамм мочевинани эритиб берилади.

Минерал ўғитлар билан тўлиқ озиқлантирилганда, 1 метр-квадрат майдонга мочевина 20-25 грамм, калийли ўғит 20-35 грамм, суперфосфат 15-20 грамм сарфланади.

Илдиз мевалари ривожланаётган пайтларда азотли ўғитларни кўп бериб бўлмайди. Акс ҳолда истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади.

Гербицидларни қўллаш. Сунгента компанияси лавлагининг бегона ўтларига қарши химиявий ўтоқ қилиш учун Дуал голд, Виктор ва Фюзилад фортени қўллашни тавсия этади.

Ушбу тавсия асосида лавлагининг бегона ўтларига қарши қуйидагича ишлов берилади: дастлаб лавлаги уруғи экилганидан сўнг, ердан униб чиққунига қадар, бир йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтларга қарши дуал голд гербицидидан гектарига 1,6 литр сарфлаб ишлов берилади. Лавлаги 2 та чинбарг чиқарганидан сўнг эса юқоридаги бегона ўтларга қарши дуал голд гербицидидан гектарига 0,6-0,8 литр сарфланади.

Лавлаги 2 та чинбаргини чиқарганидан то илдиз меваси 50 фоизгача етилгунига қадар бир ва икки йиллик бегона ўтларига қарши Виктор гербицидидан гектарига 1,0-1,5 литр сарфлаб, 2-3 маротаба ишлов берилади.

Агар лавлагини шундан кейин ҳам бегона ўт босиши хавфи бўлса, илдиз мевалар 50 фоиз етилганидан кейинги даврда то пишиб етилгунига қадар, Фюзилат форте гербицидидан гектарига 0,75-2,0 литр сарфлаб ишлов берилади.

ОҚ БОШ КАРАМ ЕТИШТИРИШ

Навлари: Оқ бош карамнинг **Бухарест F_1, Вестри F_1, Лион F_1** дурагайларини тўқсонбости усулида экиш тавсия этилади.

Ушбу муддатда экиладиган дурагай (гибрид)лар уруғларни махсус кассета ёки стаканларда тайёрлаб экиб етиштириш лозим. Кўчатларни иситилмайдиган кўчатхонада ёки очиқ майдонда тайёрлаш мумкин.

Кўчатни озиқлантиришда ҳар 10 литр сувга 13-15 грамм азотли; 18-25 грамм фосфорли ва 15-20 грамм калий ўғитлари солиниб эритилади ва ушбу эритма ҳар 3-3,5м^2 майдондаги кўчатларни озиқлантириш учун сарфланади.

Карам кўчатлари иккинчи марта очиқ майдонга экишдан 15-18 кун олдин озиқлантирилади. Бунда 10 литр сувга маданий ўғитлар миқдори икки марта кўпроқ солиниб амалга оширилади.

Тайёр бўлган карам кўчатларининг ёши 40-45 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см. ва барглар сони 6-7 тадан бўлганда очиқ майдонга экилади.

Экиш муддатлари ва экиш схемаси. Оқ бош карам республикамизнинг жанубий вилоятларида уруғи ноябрь ойининг I-декадасида сепилади, кўчатлари декабрь ойининг I-II декадасида экилади, кўчатлар 70х30 ёки 70х40 см. схемаларда экилади ва плёнка копламаси билан ёпилади.

Парваришлаш. Ушбу муддатда етиштирилган карам кўчатининг ривожи эрта баҳорда етиштирилганига қараганда бир оз сустроқ бўлади. Шунинг учун кўчатлар экиб бўлингандан кейин тупроқ намлигига қараб очиқ майдонда техника ва қўл меҳнати билан ишлов бериш имкони бўлганда биринчи ялпи ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН-4,2 культиватор билан 15-16 см. чуқурликда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, маъдан ўғитлар билан озиқлантирилади ва сув берилади. 20-25 кундан кейин яна бир марта ялпи ишлов берилади.

Ўғитлаш. Сабзавотлар ичида оқ бош карам тупроқ унумдорлигига маъдан ўғитларга ўта талабчан. Қадимдан суғориб келинаётган типик бўз тупроқларда гектарига ўртача 240 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг. соф калий беришлик лозим. Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда етиштирилганда эса 200 кг. азот, 160 кг. фосфор, 120 кг. соф калий берилади.

Ўғитларни бериш муддати. Йиллик фосфор ўғитларини 70-75% миқдори, калийни 50% ерга асосий ишлов беришда, қолган 25-30%

фосфорни 50% азот билан биргаликда карам кўчати тўлиқ тутиб олгандан сўнг биринчи комплекс ишлов олдидан қатор ораларига ўсимликларга яқинроқ берилади. Қолган азотни 50%, калийни 50% билан биргаликда карам боши ўрай бошлаганда ўсимликка яқинроқ қилиб берилади. Оқ бош карамни юқорида кўрсатилгандек ўғитлаш, ўғитлардан самарали фойдаланишга, ҳосилнинг кўпайишига, унинг сифатини яхшиланишига олиб келади.

Суғориш. Кечки карам ўсув даврининг бошларида 7-10 кун оралатиб, кеч кузга яқин эса 10-12 кун оралатиб суғориб борилади.

Укроп етиштириш

Навлари.

Укропнинг маҳаллий **Узбекский 243, Ором** ва хориждан келтириладиган **Анет** навлари экилади.

Укропнинг биологик ҳусусиятлари: Укроп жуда тез пишар экин, лекин уруғи тез униб чиқмайди, тахминан икки ҳафтадан кейин майсаси кўринади. Шунинг учун укропнинг Ўзбекистон-243 нави уруғини экишдан олдин сувда ивитиб, сўнгра сочиладиган ҳолга келгунча қуритиш лозим.

1000 дона уруғнинг оғирлиги 1,8-2 грамм.

Укроп уруғи ўзининг унувчанлик хусусиятларини 2-3 йил сақлайди.

Укроп уруғини ҳосилдорликни орттириш ва яхши униб чиқиши учун 3 сутка давомида микроэлементли сувда ивитилади. Ивитишда сувнинг ҳарорати дастлаб 50-60 даражада бўлади. Уруғ ивитилганида суви суткасига 3-4 маротаба алмаштириб турилади

Укроп секин униб чиқади, майсалари уруғ экилгач, 12-15 кундан кейин пайдо бўлади ва 60-70 кундан кейин гуллайди.

Экиш муддатлари: Тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1ноябрь - 1декабрь экилади.

Баҳорда ва ёзда ишлатиладиган укроп кузда ёки эрта баҳорда сепилади. Кузда ишлатиладиган укроп (бодринг, помидор тузлаш учун) ёзда – июнь ва августнинг бошларида сепилади. Аҳолини укроп билан йил бўйи таъминлаб туриш учун 2-3 ҳафтада экиб туриш керак.

Экиш

Экиш нормаси: бир гектар ерга 20-25 кг.уруғ сарфланади. Бир сотих ерга 200 гр. уруғ сепилади..

Кичик майдонда 1 метр квадрат ерга 1,2 грамм уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 1,5-3 сантиметрни ташкил этиши керак.

Укроп эгат олиб, унга сочилади ёки кўп йўлли қилиб, лента усулида ўстирилади. Бунда ленталар ораси 60-70 см., йўллар ораси 10-15 см. бўлади.

Укроп совуққа чидамли экин бўлиб, 5-6 даража, катта ўсимликлари 8 даража совуққа бардош беради. 3 даража ҳароратда уруғлари униб чиқади. 8-10 даража ҳароратда яхши ривожланади. Укропнинг ўсиш даврида 16-17 даража, гуллаш даврида эса 17-20 даража энг қулай ҳарорат ҳисобланади.

Қатор оралиғи 8-10 см бўлади. Уруғ тупроқнинг 1,5-2 см. юза қатламига кўмилади. Усти мулчаланади.

Ўғитлаш: Укроп янги гўнгни ёқтирмайди, аксинча куйиши мумкин. Шунинг учун янги гўнг солинган майдонларга иккинчи йили укроп экилиши керак. Укроп униб чиққанидан кейин 1 метр квадрат майдонга 15-20 грамм аммиакли селитра билан ўғитланади. Унумдор ерларда 10 сотих ер майдонига 10 кг азот, 5 кг.калий ҳисобидан озиқ берилиши кифоя қилади.

Ўғитларни бериш муддатлари: Фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Суғориш: Сизот суви чуқур жойлашган ерларда укроп ўсув даврида 7-8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 2-3 марта суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 $м^3$ ҳисобидан суғорилади.

Иссиқ кунларида ҳафтасига 2 маротаба суғориб туриш керак.

Ҳосилни йиғиштириш

Кўклигида ишлатиладиган укроп апрель ойидан бошлаб, бўйи 10-15 см.га етганда истеъмол учун йиғиб олина бошланади.

Укроп кўклигида ишлатиш учун экилганда гектаридан 10-12 тоннагача ҳосил олинади.





Укропни йиғиб олишда устидан тоза сув сепилиб, ердан 2 сантиметр баландлигидан кесиб олинади. Сўнг сув қуйилса, янги кўкат ўсиб чиқади.

Баъзи навлари уруғ сепилгандан кейин 30-40 кунда ўримга киради. Уруғликка қолдирилса, баландлиги 100-150 сантиметргача етади. 60-70 кундан кейин гуллайди.





Уруғ ҳосили гектаридан 3-6 центнер ва ундан ортиқ олинади.

Петрушка етиштириш



Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Нилуфар, Новас. Сахарная (эртапишар), Бордовикская (ўртача кеч пишар нав)

Экиш муддати: Тўқсонбости усулида жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь - 15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь -1 декабрда экилади.

Экиш ва уруғлик сарфи: Тезроқ униб чиқиши учун петрушка уруғи намланади, бир сотих ерга 50-60 грамм уруғ сарфланади. Қатор оралиғи 20 см. қолдирилади. Уруғ 2-2,5 см. чуқурликка, оғир тупроқларда бундан юзароқ, енгил тупроқларда чуқурроқ кўмилади.

Пол қилиб сепилганда гектарига 3-4 кг. уруғ сарфланади.

Ўғитлаш:

1 сотихга 150-200 кг. (10 сотихга 1,5-2 тонна) чириган гўнг солинади.

Петрушка қисқа муддатда етилишини инобатга олиб, гўнг солиш билан бирга 1 сотих майдонга 1 кг. азотли, 1 кг. фосфорли, 0,5 кг. калийли ўғит солиш зарур

Фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийнинг ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб, ўсимлик сони

сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Суғориш: Сизот суви чуқур жойлашган ерларда ўсув даврида 7-8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 2-3 марта суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 $м^3$ ҳисобидан суғорилади.

Парвариши: Майсалар униб чиққандан 10-12 кун ўтгач, 1-марта, 2-3 ҳафта ўтгач, 2-марта ягана қилинади. Бунда ўсимликлар ораси 3-5 см. бўлиши лозим. Ўсимликни парваришлашга - ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари киради.

Петрушка илдиз меваси учун ўстирилганда экилгандан 20-30 кун ўтгач, сийраклатилади, бунда майсалар оралиғи 3-4 см қолдирилади. Шундан 2-3 ҳафта ўтказиб, иккинчи марта ягана қилинади, бунда ўсимликлар бир-биридан 8-10 см. узоқда жойлашади.

Ҳосилни йиғиштириш

Уруғ экилгандан сўнг 35-45 кун ўтиб, бўйи 15-20 сантиметрга етганда петрушка боғлаб сотувга чиқаришга тайёр бўлади. Петрушка ўсимлиги эрта тонгда - кун нисбатан салқинлигида йиғиб олинади. Яхши парваришланганда гектаридан 10-12 тоннагача ҳосил олиш мумкин.





Кашнич етиштириш



Навлари.

Экиш учун тавсия этиладиган навлар: Ўзбекистонда кашничнинг Янтарь («Қаҳрабо») нави 1953, Орзу нави 1999, Ором нави 2001 йилдан районлаштирилган.

Янтарь – ўртача кечки нав. Ҳосилдорлиги гектарига 14-18 центнер. Кашнич доналаридаги эфир мойлари миқдори 2,4-2,7% ни ташкил этади. Бир гектар ер майдонидан олинадиган эфир мойи миқдори 26-36 кг.ни ташкил этади. 1000 дона уруғининг оғирлиги 7 грамм.

МДҲ давлатларида экилаётган кашнич навлари:

Авангард – Алексеевский, Бородино, Венера, Восточний аромат, Дебют, Кин-дза-дза, Король ринка, Луч, Мисхор, Нектар, Пучковая, Ранний, Санто, Стимул, Тайга, Шико, Янтарь каби навлар кенг миқёсда экилади.

Айрим навларнинг хусусиятларига тўхталамиз:

Ранний – тезпишар нав. Ўртача ҳосилдорлиги гектарига 13,8 центнер. Уруғлари таркибида эфир мойлари 2,25-2,44% ни ташкил этиб, гектаридан 20-28 килограмм эфир мойлари олинади. 1000 дона

уруғининг оғирлиги 7 грамм. Қурғоқчиликка, уруғларнинг тўкилишига ва ётиб қолишга чидамли.

Нектар – кузги ва баҳорги муддатларда экиш учун яроқли. Совуққа чидамли. Кузги муддатда экилганида гектаридан 22-27 центнердан ҳосил беради. Уруғлари таркибидаги эфир мойлари 2,4-2,54% ни ташкил этади. Рамуляриоз касаллигига нисбатан чидамли.

Мисхор – Ўртача кечки нав. Уруғлар тўкилиши ва ёрилиб кетишига нисбатан чидамли. Ҳосилдорлиги гектарига 16 центнер. Уруғи таркибидаги эфир мойлари 2,35-2,54%. Гектаридан 36,4 кг. Эфир мойи олинади. Рентабеллилиги 100 фоиз.

Экиш муддатлари

Тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь -15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь -1 декабрда экилади.

Ер тайёрлаш

Кашнични бир ер майдонига 3-4 йилдан кейин қайта экиш мумкин.

Экишга ерни тайёрлашда 1 сотих ерга 150-200 кг. (10 сотихга 1,5-2 т.) чириган гўнг солинади.

Экиш ва уруғлик сарфи:

Ўртача катталикдаги кашнич уруғлари ер сатҳи бўйлаб сепилганида гектарига 25-30 кг. Кенг қаторлаб экилганида 10-12 кг. уруғ сарфланади.

Йирик уруғли кашнич кенг қаторли қилиб экилганида гектарига 12-16 килограмм (1-1,4 млн.дона), ёппасига сепилганида 25-35 килограмм (3,4-4 млн. дона) уруғ сарфланади.

Пол қилиб сепилганда гектарига 8-10 кг уруғ сарфланади. Бир сотих ерга 100-120 г. (10 сотихга 1-1,2 кг.) уруғ сарфланади.

Уруғни қулай кўмилиш чуқурлиги 4-5 сантиметр. Енгил тупроқларда 5-6 сантиметргача чуқурга экилиши мумкин. Одатда кўпчилик тажрибакорлар 2-3 сантиметр чуқурликка экилишини тавсия этишади.

Уруғлар лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб ёки сочма усулда сепилади. Уруғ сепилгандан кейин ҳаскаш билан тупроққа аралаштирилиб, устидан чириган майда гўнг сепилади.

Парваришлаш: Кашнич доналари 4-6°С да ердан униб чиқа бошлайди. 10-12°С да 20-22 кунда, 15-17°С да 10-12 кунда тўлиқ униб чиқади.

Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бироз яганалашдан иборат.

Ўғитлаш: 10 сотих ер майдонидан 150 килограмм кашнич уруғини етиштирилганида тупроқдан 60 — 70 кг. азот, 16-17 кг. фосфор ва 40 — 60 кг. калийни олиб чиқиб кетади. Шунинг учун ҳосилдорлик ва ер шароитига қараб кашнични ўғитлаш меъёри: N60-90; P60-90; K60-90. нисбатни ташкил этади.

Айрим тажрибакорлар ўз тупроқ шароитидан келиб чиқиб, бир гектар ер майдонига 400-500 килограмм фосфорли, 150-200 килограмм калийли ва 100-150 килограмм аммоний сулфат ўғитларини солишни тавсия этишади. Кўкат учун етиштирилганда 1 сотих майдонга 1 кг. азотли, 1 кг. фосфорли, 0,5 кг. калийли ўғит солиш талаб этилади.

Ўғитларни бериш муддатлари: Фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийни ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Суғориш: Кашнични парваришлашда сувсиз қолдириб бўлмайди, чанқатиб юборилса, ҳосилдорлик 80 фоизгача камайиб кетади. Ер шароитига қараб 3-4 кунда суғориб турилади.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда кашнич ўсув даврида **7-8 мартагача,** сизот суви юза далаларда эса **2-3 марта суғорилади.** Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 $м^3$ ҳисобидан суғорилади.

Гербицитларни қўллаш

Кашничнинг бегона ўтларига қарши Гезагард (Прометрин) и Трефлан энг яхши гербицидлар хисобланади. Гезагард экиш олдидан, униб чиққанида 2-3 чин барги чиққунига қадар қўлланилиши мумкин.

Бунда гектарига 2-3 килограмм препарат 250-300 литр сувга аралаштириб сепилади.

Вегетация даврида бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши Фуроре супер, Тарга Супер, Селект, Фюзилад каби препаратлардан фойдаланилади.

Кашничнинг иккинчи чин барги чиқиб бўлганда, Гезагард (прометрин, 500 г/л) (3-4 л/га) миқдори билан қайта ишлов берилади.

Бошоқли буғдойиқ бегона ўтларга қарши кашничнинг 5-6 чин баргидан бошлаб, граминицид билан ишлов бериш тавсия этилади.

Бошоқли ва икки паллали бегона ўтларга қарши экишдан олдин ёки ердан униб чиққунига қадар гектарига 3-6 литр миқдорда “Стомп” гербициди билан ишлов бериш ҳам яхши натижа беради.

Касалликларига қарши курашиш

Кашнич уруғлари экиш олдидан Витавакс, Ранкона, Винцит ва бошқа препаратлар билан ишланса, касалликларга чидамли бўлади.

Томорқада уруғлар экиш олдидан 1 фоизли марганцовка эритмасида 15 минут давомида зарарсизлантирилади.

Кашнич касалликларга анча чидамли салқинсевар ўсимлик. Кашнич парваришида энг кўп учрайдиган рамуляриоз касаллигига қарши экиш олдидан уруғларга Витавакс 200 (3 кг/т), Байтан универсал (2 кг/т) билан ёки бошқа зарарсизлантирадиган дорилар билан ишлов берилади.

Рамуляриоз, ун шудринг ва занг касалликларини профилактикаси учун тебуконазол, 500 г/кг (0,3 л/га), фунгициди билан ишлов бериш тавсия этилади.

Зараркунандаларига қарши курашиш

Зараркунандаларга қарши Фастак ёки Коннект инсекцидлари билан ишланади. Чигиртка ва бошқа зарарли ҳашаротларга қарши Суми-Альфа 0,2-0,25 л/га.ва қўшимча сифатида Сильвет Голд, 0,1 л/га. билан ишланади.

Ҳосилни йиғиштириш

Уруғ экилгач, 5-10 кунда униб чиқади. Кашнич 5-6 барг бўлганида истеъмолга тайёр бўлади. Тажрибали томорқачилар унинг бўйи 20-22 сантиметрга етганда, айрим тажрибакорлар 15-20 сантиметрга етганда сотувга чиқаришади. Нав хусусиятларига қараб 32-34 кунда, айримлари ҳаво ҳароратига қараб 40-45 кунда сотувга

тайёр бўлади. Унинг барра баргларини 2-3 марта ўриб олиш мумкин. Бунда барги яна ўсиб чиқиши учун ердан 1-1,5 см. танаси қолдириб ўриб олинади. Яхши парваришланганда гектаридан 12-15 тоннагача ҳосил олиш мумкин.

Кашнич ўсишда давом этса, 2 ойда гулга киради. Гуллаганидан 1,5 ой ўтиб уруғлари пишиб етилади. Ўртача навлари уруғининг пишиш даври 80-100 кун.

Кашнич уруғларини йиғиштириб олишда гектарига 15-20 килограмм миқдорда хлорат магний билан ишлов берилса, 4-5 кунда кашнич поялари қуриб бирданига йиғиштириб олишга тайёр бўлади.

Агар кашнич экилган майдонга асалари уяси қўйилса, бир гектар ер майдонидан 400 килограмм асал олинади. Бу асал берувчи экинлар ичида энг кўп миқдор ҳисобланади.









Баргли салат етиштириш

Экиш учун тавсия этиладиган навлар:

Салатнинг маҳаллий **Кўк шох ва** хориждан келтириладиган **Фиоретт, Конкорд F_1, Лагунас F_1, Левистро F_1, Саула F_1** навлари экиш учун тавсия этилади.







Ер тайёрлаш. 1 сотих ерга 150-200 кг. (10 сотихга 1,5-2 тонна) чириган гўнг солинади. Тупроқ 20-25 см. чуқурликда юмшатилади.

Экиш муддати: Баргли ва бош ўрайдиган салатлар тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь - 15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь -1 декабрь кунларига тўғри келади.

Экиш ва уруғлик сарфи. Уруғи лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см. қилинади. Бир гектар ерга салат уруғидан 4-5 кг., бошли салатникидан 3-4 кг. экилади.

Бир сотихга баргли салат уруғи 40-50 г., бошли салатники 30-40 г. меъёрда экилади. Уруғлик экиш олдидан илиқ сувда 3-4 соат ивитиб қўйилади.

Сепилгандан уруғлар хаскаш билан тупроққа аралаштирилади.

Парваришлаш. Майсалар баҳорда униб чиққандан 10-12 кун ўтгач, 1-марта, 2-3ҳафта ўтгач, 2-охирги марта ягана қилинади. Бунда барг салат тупларининг орасида 8-10 см., бошли салатда эса 12- 15 см. масофа қолдирилади.

Салат ўсимлигини парваришлашга ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари киради.

Суғориш.

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда салат ўсув даврида **7-8 мартагача,** сизот суви юза далаларда эса **2-3 марта суғорилади.** Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 $м^3$ ҳисобидан суғорилади. Салатни ҳаддан ташқари катта меъёр билан суғориш тавсия этилмайди.

Ўғитлаш. Ўғитларни бериш муддатлари: Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75 фоизи, калийнинг ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфор ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш. Салат касалликларига анча чидамли салқин севар ўсимлик ҳисобланади. Салатни узунбурун ва қўнғизли зараркунандаларга қарши курашда 1 гектар экин майдонига препаратлардан 20 фоизли Конфидор эм.к. (150-250 мл.) ёки Маспилан (150-250 мл.) ёки 57 фоизли Фуфанон (80-100 мл.) препаратларини 600 литр сувда аралаштириб, пуркаш тавсия қилинади.

Ҳосилдорлиги. Салатнинг ҳосилдорлиги - кичик майдонларда зичловчи экин сифатида - 0,8-0,9 кг/м^2, мустақил экин сифатида - 2-2,5 кг/м^2. Катта майдонларда баргли салатнинг гектаридан 100-120 центнер, бошли салатникидан 170-180 центнердан ҳосил олинади.

Пишиш даври ва йиғиштириш. Февраль, март, апрель. Салатнинг ҳосили 45-50 кундан кейин уларнинг етилишига қараб эрта тонгда, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин узиб олинади.

ШОВУЛ (ОТҚУЛОҚ) ЕТИШТИРИШ

Нави: Отқулоқнинг серҳосил Широколистний нави районлаштирилган.



Экиш муддати: Тўқсонбости усулида жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрда экилади.

Экиш ва уруғ сарфи: Отқулоқ уруғи лентасимон усулда қўш қаторлаб ёки 3 қатор қилиб сабзавот сеялкасида экилади. Ҳар гектар ерга 3 кг. уруғ сарфланади. Уруғи укроп сингари ҳам сепилади.

Суғориш: Сизот суви чуқур жойлашган ерларда отқулоқ ўсув даврида 7-8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 2-3 марта

суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 $м^3$ ҳисобидан суғорилади.

Ўғитларни бериш муддатлари: Фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийнинг ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўғитлагич мосламалар билан қатор ораларига ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Ҳосилни йиғиш: Отқулоқ барги 5-6 тага етганда уни пичоқ билан кесиб олиш ёки катталарини банди билан суғуриб олиш мумкин. Ҳосил ўриб олингандан кейин орадан 12-15 кун ўтгач, уни яна ўриб олса бўлади, отқулоқ бир мавсумда 3-4 марта ўрилади. У гуллаши билан уни уруғга қолдириш мумкин. Отқулоқ яхши парвариш қилинганда гектаридан ўртача 12-15 тонна ҳосил беради.

Руккола етиштиришНавлари

Рукколанинг хориждан келтириладиган **Грация, Покер** дурагайлари экиш учун тавсия этилади.

Рукколанинг янги таклиф этилаётган дурагайлари

Асосий навлари:

- Рукколанинг Сельватика дурагайи (Rucola selvatica)

Майда қайчи баргли, таъми ёқимли, гуллари сариқ рангли, ишлаб чиқаришда энг оммалашган дурагай





- Рукколанинг (индау) **Колтивата дурагайи (Rucola coltivata):**

Барглари думалоқ, тез ўсувчан, жуда серҳосил, гуллари оқ рангда.



Ўзбекистонда экиш учун яна Трицция, Гурман дурагайлари ҳам бор.

Биологик ҳусусиятлари

Ушбу экин совуққа чидамли ўсимлик. Баргларининг ўсиши ва ривожланиши учун қулай ҳарорат кундузи 15-20^{0}С ва кечаси 12-15^{0}С бўлиши керак. У 5^0 С паст ҳароратда ҳам ривожланади.

Экиш муддатлари

Тўқсонбости усулида унинг уруғлари жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь -1 декабрда экилади.

Экиш ва уруғлик сарфи

Уруғи 15-20 см. чуқур олинган полларга ёки лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45-60 см., лентадаги қаторлар ораси 15 см. қилинади. Бир гектар ерга 4-5 кг. уруғ сарфланади.

“Энза Заден” компанияси мутахассисларининг тавсиясига кўра:

- Ерга Selvatica уруғини 0,5 см. ва Coltivata уруғини1 см.чуқурликда сепилади
- қаторлари 8-25 см.
- зичлиги Selvatica: 1 000- 2000 дона/м. Coltivata: 400 дона/м.

Экиш йуллари:

Selvatica: сеялкаларда Coltivata: бир қаторга

Зичлиги:

- 15 дона уруғ 1 идишга
- ёки 15 см.х10 см., 20 см.х15 см. оралиғида

Алмашлаб экиш

Касалликларнинг ва ҳашаротларнинг кўп бўлишини инобатга олиб, карамдошлар экилган ерларга 4 йилдан кейин экиш тавсия қилинади.

Парвариши

Майсалар баҳорда униб чиққандан 10-12 кун ўтгач, 1-марта, 2-3 ҳафта ўтгач, 2-охирги марта ягана қилинади. Бунда руккола тупларининг орасида 8-10 см. масофа қолдирилади.

Руккола ўсимлигини парваришлашга - ўташ, қатор ораларини юмшатиш, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш ишлари киради.

Суғориш

Сизот суви чуқур жойлашган ерларда руккола ўсув даврида 7-8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 2-3 марта суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 $м^3$ ҳисобидан суғорилади. Рукколани ҳаддан ташқари катта меъёр билан суғориш тавсия этилмайди.

Ўғитлаш

Фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийнинг ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади.

“Энза Заден” компанияси мутахассисларининг тавсиясига кўра:

- Асосий озуқаларни экинни экишдан олдин ерга солингани маъқул. 175-300 кг. 1 га. миқдорида.
- Нитратларни экинда йиғилишида эҳтиёт бўлиш керак.

- Ернинг гумус миқдори баланд бўлиши ҳам экинда нитратларнинг ошиб кетишига олиб келади.

- 1 га. учун берилган 175- 300 килограмм азот миқдорида:

	P_2O_5	K_2O	MgO
Кг/га.	18-31	93-159	9-15

Ҳосилни йиғиштириб олиш

Майсалар пайдо бўлгандан 30-40 кундан кейин ҳосили бир йўла йиғиштириб олинади. Ҳосили 45-50 кундан кейин уларни етилишига қараб кундузи, баргидан шудринг кўтарилгандан кейин бирин-кетин узиб олинади. Гектаридан 100-120 центнердан ҳосил олинади.

“Энза Заден” компанияси мутахассисларининг тавсиясига кўра:

Экинни йиғиштириш асосан куз ойларига тўғри келади.

- йиғим бир маротаба бўлади, ҳаво йул берса, иккинчи йиғимни ҳам қилса бўлади.
- баргнинг оптимал узунлиги 8-15 см. Барча мамлакатлар ўрта узунликдаги баргларни хоҳлайди, Европа давлатлари хусусан, Германия узун баргни истеъмол қилади.
- Экинни гуллаб кетишини инобатга олиб, терим вақтини қисқартириш лозим;
- Гуллаган экиннинг гулларини олиб чиқиш лозим.
- Махсус техникада йиғиб олиш.
- Қўлда йиғиб олиш.

Сақлаш:

- Барглари сўлишга мойиллиги катта.
- Маҳсулотни қуриб қолишдан сақлаш лозим.
- Махсус фальгаларда ва идишларга қадоқлаш керак.

Бозор ва нарх

Рукколани 2020 йил 12 сентябрь кунига экспорт нархларининг ўртача қиймати: 1 тоннасининг нархи 1480 – 3100 долларни ташкил этди.

Исмалоқ экиш

Исмалоқ - бир йиллик ўсимлик бўлиб, илдиз бўғзидан 8-10 та баргдан иборат тупбарг ва ўтсимон тик поя чиқаради.





Навлари:Ўзбекистонда қадимдан Туркистон исмалоғи ўсади. Кейинги даврларда хориждан янги навлар кириб кела бошлади.

Исмалоқни фақат битта Нафис нави Давлат реестрига киритилган.

Экиш муддатлари: Исмалоқ совуққа чидамли гиёҳ бўлиб, 6 даражали совуқларга бардош беради. 3-4 даража ҳароратда униб чиқади. Ёш ўсимликлари 6-8^0 С гача совуққа бардош беради. Исмалоқ учун қулай ҳарорат 15 даража иссиқ ҳисобланади.

Тўқсонбости усулида жанубий вилоятларда 1-30 декабрь, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь -1 декабрь.

Экиш: Катта майдонларда исмалоқ сабзавот сеялкалари билан қўш қаторлаб, ленталар ораси 50-60 см. ва қаторлар орасини 15-20 см. дан қилиб экилади. Ҳар гектар ерга 15-20 кг. уруғ, 2-3 см. чуқурликка кўмилади.

Парваришлаш: Исмалоқ уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Ўсув даврида парвариш қилиш ишлари экинни суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва бегона ўтларни ўташдан иборат. Озиқ-овқатга ишлатадиган исмалоқ ягана қилинмайди.

Суғориш: Сизот суви чуқур жойлашган ерларда исмалоқ ўсув даврида 7-8 мартагача, сизот суви юза далаларда эса 2-3 марта

суғорилади. Тупроқ шароитига қараб гектарига 450-500 $м^3$ ҳисобидан суғорилади.

Ўғитларни бериш муддатлари: Фосфор ўғитини йиллик миқдорини 75%, калийнинг ҳаммаси ерларни асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади. Ўғитлар ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.

Ҳосил пишиш даври: Исмалоқ 5-6 та барг чиқаргандан бошлаб, асосан 25-40 кундан сўнг кесилиб ёки юлиниб, ҳосили бир неча марта йиғиштирилади. Плёнка билан қопланганда март ойида, очиқ майдонда апрелда сотувга чиқарилади.





Ҳосилдорлиги: исмалоқнинг ҳосилдорлиги гектарига ўртача 120-150 ц/га. ташкил этади.

Кўкпиёз экиш

Нав танлаш: Тўқсонбости муддатда кўк пиёзни маҳаллий шароитда яратилган **Истиқбол, Зафар,** хорижнинг **Манас, Дайтона, Леоне, Банко, Родар** навларини экиш тавсия этилади.

Экиш муддатлари: Кўк пиёз олиш учун уруғлар тўқсонбости муддатда жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь -15 декабрь ва шимолий вилоятларда 1 ноябрь -1 декабрда экилади.

Экиш ва уруғлик сарфи: Кўк пиёз уруғи ҳар бир гектарига 25 кг. гача сарфланади.

Пиёз СКОН - 4,2, СММ - 4 русумли сеялка билан ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см.дан олиб уч-беш қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади. Уруғлар ерга 1,5 - 2 см. чуқурликка кўмилади. Майдон суғорилмайди.

Парваришлаш: Баҳорда пиёз дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см.га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор ораларидаги бегона ўтлар КРН-2,8 А русумли культиватор билан ерга 15-16 см. чуқурликда ишлов берилади.

Ўғитлаш. Кўк пиёз ўсимлиги патак илдизли сабзавот бўлиб, илдиз тизими асосан, тупроқнинг устки қисмига яқин жойлашган. Шунинг учун у ернинг устки қисмида асосий озуқа элементларни кўп бўлишини талаб қилади.

Кўк пиёздан юқори ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга юқори унумдор майдонларда соф ҳолда 250 кг. азот, 200 кг. фосфор, 80 кг. калий, ўртача унумдор тупроқларда 300 кг. азот, 220 кг. фосфор ва 90 кг. калий, паст унумдор тупроқларда 320 кг. азот, 220 кг. фосфор ва 100 кг. калий берилиши лозим.

Ўғитларни бериш муддати. Фосфор ўғитни йиллик миқдорини 70-75 % ерни асосий ишловида, қолган қисми эса ерни бароналашдан олдин берилади. Азот ўғитини вегетация даврида озиқлантириш пайтида тенг иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш пиёз яганалаб, пиёз боши ўтоқ қилингандан сўнг, иккинчиси эса шакллана бошлаганда берилади. Пиёз ўсимлигига органик ўғитлардан янги гўнгни бериш тавсия этилмайди. Гўнг берилганда гўнгдаги бегона ўтлар уруғлари униб чиқиб, олинадиган ҳосилга салбий таъсир этади.

Суғориш.

Тўқсонбости усулида экилган кўк пиёз баҳорда майсалари кўрингандан кейин суғорилади. Биринчи сув одатда баҳорги ёғин-сочин тўхтагандан кейин берилади. Кўклам серёғин келган йилларда бу муддат апрелнинг иккинчи ярмига, ёғингарчилик кам бўлган йилларда эса апрелнинг бошларига, айрим ҳолларда эса ҳатто, март ойининг охирига тўғри келади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда кўкламнинг охири ёзнинг бошларида пиёз ҳар **7-10** кунда суғорилади. Ҳар галги суғоришда гектарига **350-400 м^3** ҳисобидан сув берилади.